Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан белгиланган тартибда етказилган ҳақиқий зарарни қоплатиш;

авария режимида хабардор қилган ҳолда истеъмолчини электр тармоқларидан узиш;

Кўрсатмаларга асосан ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Корхона мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайдилар.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасида Шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линиялари, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини режали таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги содир бўлиши мумкин бўлган узилишлар тўғрисида уч суткадан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб беришдаги узилишлар ва уларнинг сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

Истеъмолчининг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузарликлар тўғрисидаги аризаларини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига етказиб берилган энергия ҳисобини ўрнатилган тартибда юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда — истеъмолчига бу ҳақида рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчининг ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни, шунингдек, бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.



## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвали бажармаганда, паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда тез-тез ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона - Электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

## VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойга тадбиқ этилмасдан, келгуси ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланадиган икки нусхада тузилди. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан муддатидан олдин иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.